



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 37 (13.884)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН – ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎМИТАСИ МАЖЛИСИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Жанубий Корея ҳукуматлараро қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи савдо, инвестиция, банк-молия, транспорт, энергетика, нефть-газ, машинасозлик, кимё, қурилиш, озиқ-овқат саноати, тўқимачилик, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, фан-таълим, тиббиёт, туризм каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Элёр Ғаниев, Корея Республикасининг савдо, саноат ва энергетика вазири Сунг Юн Мо ва бошқалар мамлакатларимиз муносабатлари кўплаб йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда қатор соҳаларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўрнатилган самарали ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Корея Республикасини тарихий муносабатлар, ишонч руҳидаги дўстлик ва стратегик шериклик боғлаб туради.

Корея Республикаси Ўзбекистонда иқтисодий-технологик қилиш ва таркибий ўзгартириш, электрон ҳукумат тизимини жорий этиш, энергетика, кимё, автомобильсозлик, инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган юқори технологик лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этишда фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистоннинг барқарор ривожланаётган иқтисодиёти, қўлай жўғрофий жойлашуви, сармоя жалб этиш бўйича ишончли стратегияни кўплаб давлатлар қатори Жанубий Корея ишбилармонларини ҳам қизиқтириб келмоқда. Ушбу давлатнинг Марказий Осиё билан ўзаро савдо айланмаси ҳамининг ярмидан ортиги Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келиши ҳам бунга мисолдир.

Мамлакатимизда ҳамкор давлатнинг 70 дан ортиқ компанияси ваколатхоналари бор. Иқтисодий тармоқларида Корея инвестицияси иштирокидаги 630 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. 2018 йилда 150 дан ортиқ ана шундай корхона ташкил этилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан зиёти ташкил этди. Бу 2017 йилга нисбатан 57 фоиз кўп.

Ўзбекистон Президенти фармони билан Корея Республикаси фуқаролари учун виза тартибидеи энгиллик берилди. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мажлисда таъкидлангандек, мамлакатларимиз ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш учун барча имконият етарли. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил ноябрь ойида Корея Республикасига давлат таширифи чоғида эришилган узоқ муддатли келишувларни тўла рўйбга чиқариш Ўзбекистон – Жанубий Корея савдо ҳамжмини 5 миллиард долларга етказиш имконини беради.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда бизнес юритиш учун кенг шароит яратилгани, иқтисодийни либераллаштириш, валюта сиёсати, божхона тўловларини қисқартириш бўйича қонунчилик базаси тақомиллаштирилаётгани инвестициявий ҳамкорликни мустаҳкамламоқда.

Тадбирда Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг мамлакатимизга таширифига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди. Ўзаро ҳамкорликни янги мазмун билан бойитиш, ишбилармон доиралар мулоқотини рағбатлантириш, ҳудудлараро делегациялар алмашинувларини кўллаб-қувватлаш лозимлиги қайд этилди.

Мажлисда икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида қабул қилинган шартномалар доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Уларни самарали рўйбга чиқаришга қаратилган кўшма марказлар ташкил этиш кераклиги таъкидланди.

Мамлакатларимиз йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича бой таърибага эга, – дейди Корея Республикаси Энергия бошқаруви корпорацияси ижрочи директори Го Жэ Ёнг. – Корхонамиз Ўзбекистонда ГЭСларни модернизация қилиш, соҳага юқори технологик ишланмаларни жорий этиш бўйича ҳамкорлик қилиш ниятида. Мулоқот доирасида ҳамкорлар билан ушбу йўналишдаги масалалар ҳақида фикрлашиб олдик.

Анжуманда Ўзбекистонда юқори тезликда ҳаракатланиш имконини берадиган темир йўллар қуриш, экологик тоза автомобиллар ишлаб чиқариш, туризм, ақли шаҳар инфратузилмаларини яратиш лойиҳалари, экспортбо қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Тадбир доирасида Корея Республикаси Савдони ривожлантириш агентлигининг Тошкент бизнесни кўллаб-қувватлаш маркази очилиши бўлиб ўтди. Ҳамкор мамлакатнинг Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги билан ташкил этилган тузилма дунёнинг Дубай, Сан Паулу, Москва, Йоҳаннесбург, Ханой каби шаҳарларида мавжуд. Марказнинг асосий вазифаси – мамлакатда инфратузилмани ривожлантириш, бизнесни кўллаб-қувватлаш ва иқтисодийни тараққий эттиришдан иборат.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИНИНГ БИНОСИ ЖАҲОН ИСЛОМ АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ФАҲРИ БЎЛАДИ

“Бу ерда тарих яратилмоқда”

Нафақат юртимиз, балки кўпчилик хорижий мамлакатлар халқларининг ҳам тили ва дилидан жой олишга улгурган Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказининг қурилиш майдончасига кираверишда ана шундай илҳомбахш ёзув битилган.

Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуасида бунёд этилаётган тарихий марказ биноси билан танишар эканмиз, йўл-йўлакай унинг бир ярим йиллик фаолияти ва истиқбол режалари ҳақида Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази директори Шоазим МИНОВАРОВ ўза муҳбирига сўзлаб берди.

Ғоясига мос маҳобатли бино

– Дунё шиддат билан ўзгармоқда. Илмий-техник тараққиёт инсонга яратилган нәматлар миқдори ва кўламини кенгайтирмоқда, турмуш тарзи юқалиб бормоқда. Айни пайтда табарруқ ислом динимизнинг мазмун-моҳиятини нотўғри тушуниш, нотўғри талқин қилиш сабабли турли экстремистик гуруҳларга қўшилиб қолаётган, диний мансублигига қараб бошқаларга таъйик, босим ва зўравонлик муносабатида бўлаётганлар сони камаймоқда, деб айта олмаيمиз. Ўз моҳиятига кўра тиңчилик, инсонпарварлик, юқсак ахлоқ ва бунёдкорлик дини бўлган исломни сохташатиришдан ҳимоя қилиш, террор ва экстремизм ғояларига қарши воситани ислом динининг юқсак шиирларидан топиш керак.

Шу мақсадда 2017 йил 23 июнда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Ўзбекистондаги Ислам маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

қабул қилинди. 2017 йил 1 сентябрь куни давлатимиз раҳбари Ҳазрати Имом мажмуасида ташкил этилаётган Ислам маданияти маркази номини Ислам цивилизацияси маркази деб ўзгартиришни тақлиф этди. Ушбу тақлифни ҳамма бирдек мамнуният билан қабул қилди.

Президентимиз Ҳазрати Имом мажмуасида бир неча марта бўлиб, марказнинг қурилиш жараёни билан танишди. Марказ қурилиши бўйича тақдим қилинган лойиҳага алоҳида эътибор қаратиб, бу марказ бизнинг ислом маърифати тарғиботидаги юзимиз бўлишини, шундай экан, унинг ташқи кўринишидан тортиб, бу ерда ишлатиладиган қурилиш материалларига эътибор бериш лозимлигини таъкидлади.

Марказ учун 9,1 гектар майдон ажратилган. Бино миллий анъанавий усулда қурилмоқда. Ушбу ҳудудга кираверишда кўзингиз дастлаб “Бу ерда тарих яратилмоқда”, деган ёзувга тушади. Дарҳақиқат, бу ерда узоқ кўтилган тарихий маскан қад ростламоқда. Марказ, аввало, меъморий ва бинокорлик нуқтаи назаридан ниҳоятда улғувор, муҳташам ва ноёб бўлади. Қуни кеча марказга ташириф буюрган озарбайжонлик журналистлардан бири “Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказининг биноси жаҳон ислом архитектурасининг фаҳри бўлади”, деди.

Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасаси пештоқиға “Илм олиш ҳар бир мўмин ва мўмина учун фарздор”, деб ёзиб қўйилган. У мадраса узоқ йиллар давомида олийгоҳ вазифасини бажарган. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ислам цивилизацияси марказининг асосий кириш қисми Улуғбек мадрасасидан андоза олинган ҳолда бунёд этилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ИНВЕСТИЦИЯ – ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРИ

Парламент қўйи палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмиталари аъзолари Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосарининг мамлакатимизда инвестиция иқлимини яхшилаш, иқтисодийнинг устувор соҳа ва тармоқларига инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорларга, чет эллик инвесторларга яратилаётган имкониятлар, истиқболдаги вазифалар тўғрисидаги ахборотини эшитди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги пайтларда юртимизда хорижий инвестицияларни фаол жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам бу борада муҳим вазифалар белгилаб берилган эди.

Бунинг натижасида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 2018 йилда 2,8 миллиард долларга етиб, 2017 йилдаги прогноз кўрсаткичларидан 7 фоиз кўпроқни ташкил этди. Хорижий капитал иштирокида 2 минг 162 янги корхона очилди. Ҳозирги кунда хорижий сармоя иштирокида фаолият олиб бораётган корхоналарнинг умумий сони 7 мингдан ортган.

Хорижий компаниялар, жамғармалар ва банклар билан тузилган шартномалар доирасида, шу жумладан, юқори даражадаги таширифлар натижаларига кўра, 11,5 миллиард доллардан ортиқ бўлган 90 лойиҳани амалга ошириш ишлари бошланди.

Ушбу янги лойиҳалар асосан тўқимачилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, нефть-газ, геология, кимё ва энергетика соҳалари, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, логистика, меҳмонхона мажмуалари, бизнес марказларини қуриш, шаҳар инфратузилма-

сини ривожлантиришга йўналтирилган. Шу билан бирга, хорижий банкларнинг кредит линияларидан 4,5 миллиард доллардан ортиқ сармоя жалб қилинди. Бу эса лойиҳаларни янада самарали амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, Франция тараққиёт агентлиги, Саудия тараққиёт фонди, Хитой Эксимбанки, Корея Эксимбанки, Япониянинг молия ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасига 3,1 миллиард долларлик 18 та кредит ажратилди. Жаҳон банки тизимида Ўзбекистон Республикаси лойиҳа портфели ҳажми жиҳатидан Европа ва Марказий Осиёдаги биринчи бешта мамлакат қаторига кирди. Бу эса юртимизда шиддат билан амалга оширилаётган ислохотларга халқаро молия институтлари томонидан юқсак ишонч билдирилаётганидан далолат беради.

Эшитув давомида депутатлар томонидан соҳадаги фаолиятни тартибга солуви “Инвестициялар ва инвестициялар фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилгани, унда инвестиция жараёнини сезиларли даражада осонлаштириш, инвестициявий хавфсизликнинг аниқ

кафолатларини аниқлаш ва Ўзбекистоннинг сармоядорлар учун жозибдорлигини оширишга қаратилган нормалар сингдирилгани қайд этилди.

Соҳада кўлга киритилаётган ютуқлар билан бир қаторда, хали ишга солинмаган имкониятлар кўплиги, улардан лозим даражада фойдаланилмаётгани, хорижий инвесторларни сарсон қилувчи омиллар мавжудлиги, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан уларни қизиқтириш бўйича олиб борилаётган ишлар талаб даражасида ташкил этилмаётгани айтилди.

Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Наманган вилоятларида ишлаб чиқариш корхоналари томонидан экспорт режаси бажарилмаганининг асл сабаблари атрофлича таҳлил қилинди. Бу ўринда янги ташкил этилган вазирликнинг аниқ масала юзасидан масъулиятини ошириш, экспорт ҳажмининг ва географиясини кенгайтириш, экспортни кўллаб-қувватлаш миллий тизимининг самарали ишлашида парламент назоратини кучайтириш бўйича тақлиф ва тавсиялар берилди.

Эшитув якуни бўйича иккала қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Нурилло НАСРИЕВ, ўза муҳбири

XXI сағоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Дўрмон маданият саройида Тошкент вилоятидаги бахши-оқинлар, жиров ва фольклор жамоалари ўртасида танлов ўтказилди. Термиз шаҳрида 2019 йил 5-10 апрель кунлари ўтказилиши кутилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали олдиндан ташкил этилган тадбирда вилоят ижодкорларидан саралаб олинган 8 жамоа ва 12 бахши иштирок этди.

● Сурхондарё вилояти Узун туманининг қўшни Тожикистон Республикаси билан чегарадош Боботоғ массивида янгидан барпо этилган назорат-ўтказиш пункти фойдаланишга топширилди.

● Тошкент вилояти Қибрай туманида 150 нафар хотин-қиз бепул тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича беморларга малакали шифокорлар томонидан зарур тиббий ёрдам ва тавсиялар берилди. Ақция доирасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан “Хотин-қизлар ўртасида тиббий ва экологик маданиятни юқсалтириш омиллари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мактабнинг илк машғулотлари олдиндан ўқув-семинар ўтказилди. Унда “Оила” илмий-амалий маркази туман, шаҳар бўлимлари раҳбарлари, ҳуқуқшунослар, психологлар, шаҳар ва туманлар ФХДЁ бўлимларига никоҳдан ўтиш учун ариза берган бўлғуси келин-куёвлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Жазоир президенти 82 ёшли Абдулазиз Бутефликанинг саломатлиги ёмонлашиб ногиронлар аравачасида ҳаракатланаётган бўлса-да, бешинчи бор ўз номзодини давлат раҳбарлиги вазифасига қўяётганлиги, айниқса, ёшлар ва талабаларда катта норозилик келтириб чиқармоқда. Ҳозирда Бутефликанинг ушбу қарорига қарши мамлакатда кўплаб норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда.

● Россиянинг Қозон шаҳрида беш ярим минг квадрат метр ҳудудда кучли ёнғин рўй берди. Ёнғиннинг аҳоли яшаш пунктларидан узоқроқда юз берганлиги учун уни тезда жиловлашга муваффақ бўлинди.

● Дюнкеркда анъанавий баҳор фестивали бўлиб ўтмоқда.

ҚИСКА САТРИЛАРДА

● “Тошкент – Остона – Тошкент” йўналишида мунтазам халқаро автобус қатнови йўлга қўйилди.

● Шаҳримизда янги – 4А автобус йўналиши очилди. Ушбу йўналиш “Иза” мавзесидан “Чилонзор” метроси бекатигача ҳаракатланади.

● Тошкент шаҳар Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси томонидан Юнусобод туманида жойлашган Гимнастика саройида “Спорт – сен билан” широри остида оммавий спорт-соғломлаштириш тадбири бўлиб ўтди.

● Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан байрам концерти ўтказилди.

● Пойтахтимизда 25-27 апрель кунлари “Tashkent Law Spring” халқаро юридик форуми бўлиб ўтади.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИНИНГ БИНОСИ ЖАҲОН ИСЛОМ АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ФАХРИ БЎЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жаҳолатга қарши маърифат билан курашамиз!

Бу ерда юртимиздан етишиб чиққан буюк ислом уламолари, жаҳон маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуг мутафаккирлар, рассом ва хаттотларга оид бой маълумотлар мужассам бўлади. Ушбу мажмуа ўзида нодир экспонатларга бой Ислום санъати музейи, кутубхона ва кўлёмалар фондини мужассам этади. Буюк аждодларимиз томонидан асос солинган илмий, диний мактабларга доир юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий кўлёмалар, тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори-атиқалар, шу йўналишдаги замонавий илмий-тадқиқот ишлари, видео-фото ҳужжатлар билан бойитилади. Шу билан бирга, бу ерда кенг қўламли илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилади. Болалар фонди ташкил этилиб, унда ёшлар учун турли тўғараклар фаолияти йўлга қўйилади. Махсус делегацияларни қабул қиладиган, илмий тадқиқотлар олиб бориладиган ва диссертациялар ҳимоя қилинадиган хоналар бўлади. Бу ерда таширф буюрувчилар учун бир вақтинч ўзида ислом оламини ўнлаб энг ёрқин намонандлари ҳаёти ва фаолияти билан танишиш имконияти яратилади. Бундан ташқари, бинода 350 ўринли конференциялар зали ҳам барпо этилмоқда.

Марказда, маҳаллий ва чет эллик мутахассисларни кенг жалб этган ҳолда, илмий-тадқиқот ишлари йўлга қўйилиб, натижаларидан кенг жамоатчилик хабардор қилиб борилади. Жаҳон аҳлини бир мақсад – жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш йўлида бирлашишга чорлайдиган турли анжуманлар, маърифий тадбирлар ўтказилади.

Бугунги кунда тобора катта аҳамият касб этаётган динлар ва цивилизациялараро мулоқотни самарали йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистондаги Ислום цивилизацияси маркази нуфузли халқаро илмий муассаса ва тузилмалар, жумладан, ЮНЕСКО, АЙСЕКО каби ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўймоқда.

Марказга нодир китоблар коллекцияси совға қилинди

Ўтган бир ярим йилда дунёнинг 11 мамлакатидан халқаро марказлар билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Жумладан, Оксфорд ислом

тадқиқот маркази, Париж миллий кутубхонаси, Араб дунёси институти, Россия – Саудия Арабистони қўшма меросни ўрганиш бўйича жамғарма, Сулаймония кутубхонаси кўлёмалар фонди ва бошқа музей, марказ, жамғармалар билан ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Париждаги Шарқ халқлари тиллари ва адабиёти кутубхонасига мамлакатимизда ўзбек тилида чоп этилган китоблар юбордик.

Бугунги кунгача 40 дан ортиқ мамлакатда марказимиз ҳақида тақдимотлар ўтказилди. Бу кўпчиликда қизиқиш орттиришга, Ўзбекистондаги Ислום цивилизацияси марказининг халқаро эътирофига сабаб бўлди.

Айни пайтда Россияда истиқомат қилиб келатган тадбиркор ватандошимиз, санъат ва маданият, илм ва спорт ҳомийси Алишер Усмонов Ислום цивилизацияси марказига қўймати 8 миллион долларга тенг бўлган 4 минг 918 номдаги нодир китоблар коллекциясини тўхфа қилди. Ушбу бебаҳо коллекцияда шарқшунослик ва ислом оламини Европада таъсирига доир XIII асрдан бошлаб то ҳозирга қадар лотин, инглиз, француз, немис тилларида чоп этилган ноёб китоблар жамланган. Ушбу китобларнинг инглиз тилидаги каталоги айни пайтда ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Нодир китоблар орасида Абу Али ибн Синонинг "Тиб қонунлари" китобининг илк лотинча таржимаси ҳам бор. Шунингдек, ўта ноёб саналган "Муслулмон манбаларини таржима қилиш учун лотинча-арабча лугат" номли қўламанма ҳам мавжуд. Беруний, Фарғоний сингари улуг аждодларимизнинг айрим асарлари йўқолиб кетган, бизгача етиб келмаган. Аммо бу асарларнинг лотин тилидаги таржималари сақланиб қолган. 1200-1300 йилларга тааллуқли ўша лотинча-арабча лугатлар ёрдамида аждодларимизнинг лотин тилидаги илмий мероси аслида қандай бўлганини бемалол ўрганишимиз мумкин.

Китоблар коллекцияси "Шарқ ва Фарб", "Шарқнинг Европага таъсири" каби икки катта бўлимдан иборат. "Зафарнома"нинг ҳам арабча, ҳам лотинча таржималари бор. 1636 йилда Лондонда нашр этилган икки жилдли арабча-лотинча лугатни таҳлил қилаёмиз.

Аҳоли қўлида ҳам кўлёмалар ва тошбосма китоблар бор. Ўша китоблар экспертлар хулосасига кўра баҳолашиб, сотиб олинмоқда. Америкадан бир ватандошимиз машҳур араб тарихчиси Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг

10 жилдли китобини марказга ҳада тариқасида юборибди.

Ҳозир сотиб олинган кўлёмаларнинг ўзи 1000 нусхадан ошди. Бундан ташқари, 800 дан ортиқ тошбосма асарлар йиғилди, 3 мингга яқин алломаларимизнинг замонавий нашрдаги китоблари мавжуд. Марказда электрон кутубхона яратилмоқда. Унда айни пайтда 30 мингга яқин китоб бор.

Марказ биносига кўчиб ўтсак, электрон кутубхонадан дунёнинг исталган нуқтасидан туриб фойдаланиш имконияти яратилади. Кўлёмаларни ҳам электрон кутубхонага joyлаштирамиз. Ислום ҳамкорлиги ташкилоти билан ҳамкорликда ягона электрон кутубхона тузиш тўғрисида музокаралар олиб бораёмиз.

Хориждан кўлёмаларнинг факсимиле нусхасини олиб келаямиз. Масалан, Франциядан "Ал-жоме ал-сахих"нинг нусхасини олиб келдик. Истанбулдан Жалолиддин Румий "Маснавий"сининг бебаҳо нусхасини сотиб олишга муваффақ бўлдик. Саъдий Шерозийнинг "Гулистон" асарининг 1650 йилда кўчирилиб, миниатюралар билан безатилган жуда нодир нусхаси олиб келинди.

Китоблар фонди кун сайин кенгайилмоқда. Марказда реставрация цехи ишга туширилди. Бу ерда "касал" бўлган китоблар, кўлёмалар тикланмоқда. Сомонийлар давридаги Бухоро кутубхонаси Искандария кутубхонасидан кейин иккинчи ўринда турган. Бизнинг ҳам шунақа бой ва ноёб китоблар фондини яратиш ниятимиз бор. Фаолиятимизни 100 минг жилд билан бошлаш, китоб фондини 200 мингга етказишни режалаштирганмиз.

Президентимиз юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Чунки бу замон талабидир. Биз диний, илмий соҳада етук кадрлар тайёрлашга ҳам ҳисса қўшамиз. Хаттотлик, муқовасозлик, эски турк (чигатой тили), араб, форс, лотин, инглиз ва француз тилларини ўргатиш ва улар орқали манбашуносликни кенг йўлга қўйиш бўйича ҳам ишлар қилинади.

Марказ биноси 2020 йил кузда фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда. 2020 йил ноябрь ойда Ўзбекистон Ислום ҳамкорлик Ташкилотининг Фан ва Технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик бўйича Доимий қўмитаси саммитига мезбонлик қилади. Ушундан, насиб этса, Ислום цивилизацияси маркази конференциялар зали ўзининг илк меҳмонларини қабул қилади.

Хуршид КОДИРОВ
ёзиб олди

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ТЕЛЕФОН ВА ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ЎРГАНИШ УЧУН "CALL-MARKAZ" ИШГА ТУШАДИ

"Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази таъсисчиларининг йиғилиши Президентимизнинг 2019 йил 2 февралдаги "Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросига бағишланди.

– 50 йиллик фаолиятимиз давомида социология фани, социологик тадқиқотларга давлат даражасида бунчалик катта аҳамият берилмаган, – дейди "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Раёно Убайдуллаева. – Социология фанини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга бағишланган мазкур фармон мамлакатимиз тарихида биринчи марта қабул қилинди. У давлат ва жамият ҳаётининг турли масалалари бўйича жамоатчилик фикрини тизимли равишда ўрганиш ва таҳлил қилишга давлатимиз раҳбари томонидан муҳим эътибор берилганлигини далил беради.

Қабул қилинган фармонга мувофиқ марказ социологик тадқиқотлари натижаларининг самарадорлигини ошириш мақсадида "Ижтимоий фикр" маркази томонидан ўтказилган социологик сўровлар натижаларини Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида муҳокама этиш ва зарурий чора-тадбирларни

белгилаш тажрибаси биринчи мартаба амалиётга жорий этилмоқда.

Мамлакат ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, иқтисодий соҳалари ва бошқа йўналишларнинг долзарб масалалари бўйича жамоатчилик фикрини телефон ва Интернет орқали ўрганиш учун яқин кунларда "Call-markaz" ташкил этилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, марказ жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни мониторинг ва таҳлил қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Халқ қабулхоналарининг ахборот тизимлари фаолиятига доир статистик ҳамда бошқа ахборотлардан фойдаланиши мўлжалланмоқда.

Йиғилишда таъсисчилар кенгаши раиси сайланди. Марказнинг Низомига киритилган ўзгариш ва тузатишлар, унинг янги тузилмаси, "Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармоннинг ижросини таъминлаш юзасидан "йўл харитаси" тасдиқланди.

(УЗА)

ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИГА РИОЯ ҚИЛИНГ!

Ҳозирги кунга келиб маиший турмуш тарзимизга шиддат билан технологиялик янгиликлар кириб келмоқда. Ишимизни енгилаштириш, вақтимизни тежаш, қулайликлар яратишга мослаштирилган бу маиший электр жиҳозларни танлашда, уларни тўғри ишлатиш ва сақлашда эҳтиёткор бўлиш даркор.

Хонадонимиздаги ишлайётган телевизор, магнитофон, чанглотгич, даэмолдан одатий бўлмаган товушлар эшитилса ёки уларнинг симлари бирон-бир сабабга кўра шикастланса, розеткалар, ёкиб-ўчириш мосламалари ва ҳимоя қатламлари бўзилиб электр симлари яроқсиз ҳолга келган бўлса, уларни зудлик билан бартараф этиш учун мутахассисга мурожаат этиш лозим.

Электр жиҳозларини харид қилишдан олдин уларнинг сифат сертификатини билан танишиб чиқиш мақсада мувофиқ бўлар эди. Розетканинг максимал токига нисбатан ортиқча ток юкламасини юклаш унинг қизishiга сабабчи бўлади. Агар розетка ёки ёкиб-ўчириш мосламасининг қизиб кет-

тиш ҳолати вужудга келса, уларни дархол ўчириш ва тармоқдан узиш чорасини кўриш зарур. Бундан ташқари, ҳаётимизда учрайдиган ва билишимиз зарур бўлган ҳаво электр узатиш тармоқларининг кўриқ майдони ҳақида тўхталиб ўтсак.

Кўчаничи 330-500-750 кВ бўлган электр узатиш линияси симлари таъсири остида жойлашган юқори кўчаничи электр ўрнаткичларда снабат частотали (50 Гц) ўзарувчан ток электромагнит майдони вужудга келади. У кишининг марказий асаб тизимига ёқимсиз таъсир этиб, юракни тез-тез уришига ва қон бошимининг ва тана ҳароратининг ошишига сабаб бўлади. Кишининг ишлаш қобилияти суясади.

У тез чарчайди. Киши иш кунини охирида бўшади. Барча кўнгилсизликлар турғун бўлмайди, одатда дам олгандан кейин улар йўқолади. Электр тоқининг кишига таъсири майдон кўчаничилиги, унинг таъсир зонасида туриш муддатига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб қаерда бўлишигиздан қатъи назар ёдингизда сақланган, электр энергиясидан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ҳаётингиз ва осойишталигингизнинг бузилишига сабабчи бўлиши мумкин.

Музаффар УСМАНОВ,
"Ўздавэнергосанзорат"
инспекцияси
Тошкент шаҳар бўлими
инспектори



Иқтисодиёт

ТИКУВ МАРКАЗИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАРИ

Яқинда газетамиз саҳифаларида Миробод туманида янги "CO-WORKING" тикувчилик марказининг иш бошлагани ҳақида хабар бериб ўтган эдик. Бугун эса мазкур марказнинг фаолияти ва яқин келажакдаги режа ва мақсадлари ҳақида сўз юритамиз.

– Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаш ва уларга қулайликлар яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда, – дейди Миробод туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Феруза Мадаминаева биз билан сўхбатда. – Улар давлат ва бошқарув идораларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик тармоқларида ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий соҳаларда самарали меҳнат қилиб юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. "CO-WORKING" тикув марказининг иш бошлаши ҳам туманимиз маҳаллаларидаги кўп бўлаги ва ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Ҳозирда 20 нафар хотин-қиз фаолияти билан иш бошлаган марказ аслида 50 иш ўринга мўлжалланган. Ишчи-хонимларга қулай шарт-шароитлар яратилган ва улар керакли иш анжомлари ҳамда икки маҳал иссиқ овқат билан таъминланган.

Марказда асосан болалар ички кийимларни тайёрланади. Жумладан кўрпа, ёстик, дастурхон сингари 15 га яқин маҳсулот турлари тайёрланиши кўзда тутилган.

Тайёрланган маҳсулотлар нафақат маҳаллий бозорларимиз балки Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Афғонистон сингари давлатларга ҳам экспорт қилиниши мақсадли режалаштирилмоқда.

Умид қиламики, ушбу муассаса яқин келажакда ўз маҳсулотлари билан нафақат жаннатмақон Ўзбекистонимизда балки дунё бозорларида ҳам сифат даражаси, таннархи, қулай ва ҳаммабололиги билан ажралиб туради.

Зеро, ҳар бир иш бошлаган янги корхоналар негизда халқ фаровонлиги ва тўқин ҳаёти йўлида эзгу мақсадларга йўғрилган дастуруламал ишлар олиб борилади. Айниқса хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, кадрларни сақлаш ва маънавий муҳитни соғломлаштириш бугунги куннинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Миробод туманида фаолият юрита бошлаган "CO-WORKING" тикув маркази ҳам истиқболли лойиҳалар ва қизгин меҳнат даражасидаги сифатли маҳсулотлари билан юртимиз равақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: "CO-WORKING" тикув
маркази фаолиятдан ўрға

АЁЛЛАР ҲАМИША МЎЪТАБАР

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шароит яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустахассислардан соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва маънавий мустаҳкамлашга, салоҳиятини тўла намоён этишига, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилмоқда.

Мазкур ҳужжатга кўра, жорий йилда жамият ва давлат ҳаётида фаол, ташаббускорлик кўрсатган, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасида ибрат бўлаётган хотин-қизлар "Мўътабар аёл" кўкрак нишони билан тақдирланади.

2018 йилда фан, таълим, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалардаги энг нуфузли мутахассислардан иборат комиссия таркиби шакллантирилди. Шунингдек, соҳа ходимлари томонидан кўкрак нишони бўйича тавсиялар, номзодлар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати ва муқофот билан тақдирлаш тақсими қабул қилинди.

– Азлдан ўзбек аёллари юриш-туриши, кийиниши ва ўзгача одоби билан ажралиб турган, – дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бўлими бошлиғи Дилором Қўзиёева. – Аслида ҳар жабҳада фаол, жамиятда барчамизга ўрнак бўлгучи аёллар, кайвони онахонларни ҳамиша эъзозлашимиз керак. Уларнинг миллий ва маънавий қадриятлар, авлодаждодлар, ўғлиши ва келажак ҳақидаги панд-насихатлари ўшларнинг ҳаётида тўғри мақсадларни белгилашда ёрдам беради.

"Мўътабар аёл" кўкрак нишони тўғрисидаги низоми мувофиқ, мазкур муқофот билан тақдирлашга оид дастлабки тақлифлар 2019 йил январь ойида худудларга тақдим этилди. Жойларда халқ эътирофига сазовор бўлган, меҳнат фаолиятида қўлаб ютуқларга эришган, оиласи билан намуна бўлаётган номзодларга оид 684 ҳужжат комиссияга тавсия қилинди. Шунингдек, вазирилик, идора ва ташкилотларда узоқ йиллар меҳнат қилган, ўз соҳасида юқори натижаларга эришган ва шоғирдлар тайёрлаган 100 га яқин касб фидойилари сараланди.

Жорий йил 19-22 февраль кунлари кўкрак нишони тавсия этилган номзодлар кўриб чиқилди. Унга кўра, республика миқёсида жами 278 нафар хотин-қиз кўкрак нишони билан тақдирлашга тавсия этилди.

Ўзи яшаб турган маҳалласида обрў-эътибор қозонган, ўз худудида маънавий муҳитни яхшилашга ҳисса қўшаётган нафақадagi меҳнат фахрийлари ва 100 дан ошган онахонлар танланди. Шунингдек, фарзандларини муносиб тарбиялашда ибрат бўлаётган, кўп йил ноғирон фарзанд тарбиялаган, Меҳрибонлик, Саховат ва Муруват уйларида фидойилик билан хизмат қилиб келатган нуруний онахонларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кўкрак нишони жорий йил 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини байрами арафасида тантанали тарзда топширилади.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА муҳбири

ПОЙТАХТИМИЗДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Бугун дунёда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг энг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади.

Кўрсатилаётган бозор хизматлари турларининг рўйхати жуда хилма-хилдир. Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Натижада 2019 йил январь ойида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 4 149,6 млрд. сўмини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 114,4 фоизни ташкил этди.

Бозор хизматларининг салмоқли ҳажми молиявий хизматлар, транспорт хизматлари, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ва таълим соҳасидаги хизматларда кузатилмоқда. Валюта сиёсатини эркинлаштириш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш қўламини кенгайтириш, шунингдек, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматларни кўрсатиш бўйича амалга оширилган ислохотлар молиявий хизматлар ҳажминини оширишга таъсир кўрсатди. Молиявий хизматларнинг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 41,4 фоиз ўсиб, 1 215,0 млрд. сўмини ташкил этди (жами хизматлардаги улуши 29,3 фоизни ташкил қилади).

2019 йил январь ойида транспорт хизматлари ҳажминини оширишга таъсир қилган омилардан бири йўловчи ва юкларни ташин хизматларига бўлган талабнинг ошиши ҳисобланади.

Транспорт хизматлари умумий ҳажмида энг катта улушни автомобиль транспорти орқали кўрсатилган хизматлар (59,2 фоиз) эгаллайди. Бу унинг ҳаракатчанлиги, юкларни (йўловчиларни) йўлда бошқа транспортга қўшимча юкламасдан (ўтказмасдан) "Эшикдан эшиккача" етказиб беришда қулайлиги, транспорт воситасини ҳаракатлантиришда мустақиллиги билан изоҳланади.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

Ёшлар – келажакимиз

ВАТАНИМ – САЖДАГОҲИМДИР

Мамлакатимизда жорий йилнинг биринчи февралдан биринчи март кунига қадар "Вояга етмаганлар ўртасида гиёҳвандликка қарши курашиш ойлиги" бўлиб ўтди. Пойтахтимизда ҳам ушбу ойлик барча ҳудудларни қамраб олган ҳолда уюшқоқлик билан ўтказилди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти, "Тошкент-Марказий" вокзали ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти тасарруфидоги қорхона ва ташкилотлар, академик лицей, касб-хунар коллежлари ҳамда темир йўлга яқин барча маҳаллаларда "Биз гиёҳвандликка қарши курашамиз" мавзусида тадбирлар, двра сўбатлари ва очик мулоқотлар уюштирилди.

курига – Ватан саждагоҳимдир, мен она юртимни севаман ва унга муносиб фарзанд бўламан – деган эзгу гоани шундай етказиб берайликки, салбий ва қора иллатлар ўпқони уларни бир умрга тарк этсин.

Бугунги кунда гиёҳвандлик XXI асрнинг глобал муаммоларидан бирига айлиб улгурди. Соғлом турмуш тарзини олиб бораётган киши билиб-билмай бу кўчага кириб қолса, ўзининг тинч, фаровон ва бахтли ҳаётини қора зулматга айлантириши аниқ ҳақиқатдир.

Пойтахтимиз ҳудудларида ўтказилган "Биз гиёҳвандликка қарши курашамиз" тадбирлари доирасида келажак авлодга бор куч-ғайратини фақат билим олиш, изланиш, хунар ўрганишга сарфлаш лозимлиги тушутирилди борилди.

Унга йўлқан инсон нафақат ўзига балки ақилларига ҳам тўғовсиз азоб беради. Ундан тугилажак фарзандлар эса ота-онанинг ҳатоси оқибатида бир умрга мажруҳлик қисматиға мубтало бўлади. Баъзи бир ёшлар алдов йўли билан ушбу иллат қурбонига айланмоқда ва уларнинг сўлиб бораётган умри эвазига айрим қора ниятли ёвуз кимсаларнинг чўнтағи капаймоқда.

Замонавий ахборот воситалари орқали тарқатилётган глобал иқлим ўзгаришлари оқибатида рўй бераётган жиддий экологик вазият билан боғлиқ ахборотларни эшитиб, ҳайратга тушасиз. Янада аниқроғи қўрқиб кетасиз. Сабаби, ер шаридоғи умумий ҳарорат ортиб бориши натижасида абадий музликлар деб эътироф этиладиган Арктика ва Гренландия музликлари эриб бормоқда. Натижада дунё океанлари сатҳи кўтарилиб, даҳшатли цунамилар миллионлаб одамларнинг ҳаётини жиддий ҳавф солмоқда.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетининг азалдан шаклланган эзгуликка хизмат қиладиган аънаналари бор.



Таълим

УСТОЗЛАР ҲАЁТИ ҲАМИША САБОҚ

Факультет профессор-ўқитувчилари томонидан талабаларга сабоқ бериш, уларга назарий билимларни атрафлича синдириш баробарида, маҳорат мактаблари ҳам ташкил этилган.

ҳаёт... "Оқ кўйлакли аёл". "Ўзим ўпай, кўзиндан Ватан" деб номланган публицистик мақолалар тўпламлари мамлакатимизнинг нуфузли нашрийларида босилиб чиққан.

Хабарлар

ХИЗМАТ АВТОМАШИНАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Аҳоли узоғини яқин қилиш, уларнинг муружаатлари билан танишиб, муаммоларининг ечимини ҳал этиш мақсадида Тошкент шаҳрида ва пойтахтимизнинг 11 та туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилган.

МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР ФАОЛИЯТИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ шаҳримизда миллатлараро муносабатларни янада яхшилаш, давлат органлари билан миллий маданий марказларнинг ўзаро ҳамкорлиғи ва истиқболларига бағишланган "Миллий маданий марказлар фаолияти: муаммолар ва ечимлар" мавзусида двра сўхбати ташкил этилди.

ТУРАР-ЖОЙ ЭГАЛАРИ ҲУҚУҚИ – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Хабарингиз бор, Тошкент шаҳар ҳокими Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи аҳоли билан олиб берилган очик мулоқоти давомида "аҳоли розилигисиз ҳеч бир уй бузилмайди", деб таъкидлади. Бу ҳолат баъзи ижтимоий тармоқлар томонидан туман аҳолисининг айрим қисмида уйқотилган саросима ва норозилик ҳолатларига барҳам берди.

70 ДАН ОРТИҚ КЎЧАЛАРДА АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ТАЪМИРЛАНАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 19 февралдаги 269-сонли қарори билан Тошкент шаҳридаги марказий ва маҳаллалар ҳудудидоғи ички кўчаларни жорий таъмирлаш маъносида йўқотилган саросима ва норозилик ҳолатларига барҳам берди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги 105-сонли мактаб томонидан 1999 йилда Абдуқабиров Абдулла Гайбуллаев номига берилган О'Р-З № 332344 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Давра сўхбати

ЖАМИЯТ ВА ТАБИАТ УЙҒУНЛИГИ: ЯНГИ ПАРТИЯ, ЯНГИ МАҚСАД, ЯНГИ ВАЗИФА

2019 йил 8 январь кунги мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётини янада яхшилаш, давлат органлари билан олиб бериш мақсадида барча соҳаларда, хусусан атраф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш тизимида том маънодаги ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давра сўхбати

ЖАМИЯТ ВА ТАБИАТ УЙҒУНЛИГИ: ЯНГИ ПАРТИЯ, ЯНГИ МАҚСАД, ЯНГИ ВАЗИФА

2019 йил 8 январь кунги мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётини янада яхшилаш, давлат органлари билан олиб бериш мақсадида барча соҳаларда, хусусан атраф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш тизимида том маънодаги ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давра сўхбати

ЖАМИЯТ ВА ТАБИАТ УЙҒУНЛИГИ: ЯНГИ ПАРТИЯ, ЯНГИ МАҚСАД, ЯНГИ ВАЗИФА

Давра сўхбати

ЖАМИЯТ ВА ТАБИАТ УЙҒУНЛИГИ: ЯНГИ ПАРТИЯ, ЯНГИ МАҚСАД, ЯНГИ ВАЗИФА

2019 йил 8 январь кунги мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётини янада яхшилаш, давлат органлари билан олиб бериш мақсадида барча соҳаларда, хусусан атраф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш тизимида том маънодаги ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давра сўхбати

ЖАМИЯТ ВА ТАБИАТ УЙҒУНЛИГИ: ЯНГИ ПАРТИЯ, ЯНГИ МАҚСАД, ЯНГИ ВАЗИФА

Футбол янгиликлари

СУПЕРЛИГАДА 14 ТА КЛУБ ИШТИРОК ЭТАДИ

Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасидаги жорий йилги мамлакат биринчилиги беллашувларини 8 мартдан бошлашлари маълум бўлганди.

Аммо жорий йилги чемпионатда кучлилар сафида нечта клуб қатнашиши сўроқ остида қолаётганди. УФА ҳамда ПФЛ ҳамкорлигида уюштирилган қўра ташлаш маросимидан сўнг Суперлигада 14 та жамоа қолиб қолди. УФА лицензиялаш қўмитаси "Сурхон" ҳамда "Динамо" клубларига шартли равишда Суперлига йўлнамасини тақдим этди.

- 1-тур. 8 март (жума) "Қизилқум" - "Андижон" "Пахтакор" - "Локомотив"
9 март (шанба) "Динамо" - "Насаф" АГМК - "Бухоро"
10 март (якшанба) "Сурхон" - "Металлург" "Навбахор" - "Кўкон - 1912" "Сўғдиёна" - "Бунёдкор"
2-тур. 29 март (жума) "Металлург" - "Бухоро" "Қизилқум" - АГМК
30 март (шанба) "Сурхон" - "Динамо" "Локомотив" - "Навбахор"
31 март (якшанба) "Кўкон - 1912" - "Андижон" "Бунёдкор" - "Пахтакор" "Насаф" - "Сўғдиёна"
Суперлига жамоалари ўртасида кечадиган барча биринчилик баҳслари ўтган йилнинг "Спорт" телеканалда намоиш этилади. Акбар ЙЎЛДОШЕВ



БАРЧАСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнги хавфсизлиги институтида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сергели туман Кенгаши, туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, туман Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ҳамкорлигида "Хуқуқ ва бурч" шиори остида "Прокурор ва ёшлар" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Урашувда маҳаллаларда истиқомат қилувчи уюшмаган ва чет элдан қайтган, махсус ҳамда профилактик ҳисобда турувчи ёшлар, бошланғич таълим оқибатлари, умумий ўрта таълим мактабларининг фаол ва иқтидорли ўқувчилари қатнашди. Хозирча муҳим муаммолардан бири ёшлар ўртасида ўғрилиқ, турли психотроп воситаларни қабул қилиш, ўз жонига қасд қилиш каби ҳолатлар кўп кузатилаётган. Тадбир давомида ёшларни бу каби иллатлар таъсирига тушиб қолишдан асраш мақсадида бугунги кунда уларга қаратилган эътибор ва имкониятлардан фойдаланиш, жамиятга керакли мувахассислар бўлиб етишишлари ҳақида сўз юритилди.

Олимлар кашфиётлари

НАНОРОБОТЛАРНИ ЯРАТИШДИ...

Хитой ҳамда Америка биохимиклари ўзаро ҳамкорликда ДНК ипларидан махсус нанороботларни яратдишди. Бу нанороботлар инъекция йўли билан организмга йўланганда, улар мушаклар тарзда саратон шийларини қидириб топади ва қўшни қон томирларда тикилиш жараёнини юзага келтиради.

Эслаб ўтамиз, саратон шийлари ўзи жойлашган ҳудуддаги қон томирларидан озикланади. Кўрибсизки, саратон шийлари озуқа манбаидан маҳрум бўлгач, навбатма-навбат ўла бошлади.

тадан тортиб олинади. Орадан икки-уч кун ўтган эса, саратон шийларининг ўлиш жараёни кузатила бошлайди. Хозирча бу усул сиқонларда синаб қўрилди. Синовлар кўнгилдагидек, режага асосан муваффақиятли яқунланди. Энди олимлар босқичма-босқич клиник синовлар ўтказиш ҳаракатига тушишди.

ҚОНУНБУЗАРЛАРНИНГ РЕЖАСИ АМАЛГА ОШМАДИ

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси ходимлари сифати кафолатланмаган озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарларнинг республикамизга ноқонуний олиб кирилишига доир навбатдаги божхона қондабузарликларини қош қилишди.

"Келес" темир йўл чегара божхона пости ходимлари "Москва-Андижон" йўналишида кириб келган поезд вагонларини божхона кўригидан ўтказиш давомида Фуқаро Х.Т. вагон ресторанининг хуфиёна жойларига салкам 100 кг. оғирликдаги пишлоқлар, 17 литр алкоголь маҳсулоти, 203 дона парфюмерия воситалари, биологик актив қўшимчалар ва бошқа товар-моддий бойликларини яширганлиги маълум бўлди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, олинган ашёвий далилларнинг умумий қиймати 92,6 миллион сўми ташкил этди. Шунингдек, мазкур божхона пости ходимлари томонидан "Алмата-Тошкент" йўналишида кириб келган поезд йўловчиларидан бири М.А. умумий қиймати салкам 13,8 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 470 дона турли хил болалар учун каша, озуқа ва шарбатлар ҳамда ҳар хил энергетик ва салқин ичимликларни божхона назоратидан яшириб олиб ўтишга уринаётганлиги аниқланди.

25 СОАТЛИ СЎТКА БЎЛИШИ АНИҚЛАНДИ

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳар юз йилда кун давомидаги 1,8 миллион секунда узаяди. Буюк Британиянинг Дарем университети астрономлари инсоният тарихида қачон 25 соатли сўтка бўлишини аниқлашди.

Олимлар бундай хулосага милотдан аввалги 720 йилдан милотий 2015 йилга қадар бўлган кўёш ва ой тутилишини ўрганиш давомида келишди. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, кўёш тутилиши сайёрамиздаги фавслар алмашинувига таъсир ўтказиши.

ЮРАК ФАОЛИЯТИ УЧУН ЭНГ КЎП ФОЙДАЛИ...

Канаданинг Гамильтон порт шаҳрида жойлашган Макмастер университети олимларидан бири Салим Юсуф юрак учун қандай маҳсулотлар кўпроқ фойда бериши масаласида излашлар олиб борди. Бундан маълум бўлдики, юрак фаолияти яхши кечиши, хасталиклар

хавф солмаслиги учун асосан сўт маҳсулотлари фойдали экан. Тадқиқотларда иштирок этган 218 миң нафар кўнгилли маълум муддат мевалар, сабзавотлар, ёнғоқ, мош, ловия, балиқ, гўшт ва сўт маҳсулотларини истеъмол қилди. Натига кўра, кўнгилларнинг

барчаси юрак хасталикларидан деярли 50 фоиз ҳимояланган бўлиб қолди. Олим айтиб ўтдики, бу маҳсулотлар қон томирларни доимий равишда тозалаш, холестерин сақланиб қолишига қарши курашаркан, шунинг натижасида юрак хасталиклари ортага чекинарган.

Қатрлар

ЯХШИЛИК

Ота ва бола суҳбати одоби ҳақида эди. - Бировга қилган яхшилигининг унутганинг афзал, дейишингизнинг боиси нима? - сўради ўғли. - Унутсанг, яхшилигинг мириш қўлингизда жой қолмайди. Яхшилигинг ювилиб кетмай мудом савоблигича қолади, болам.

ЎЗИГА ҚАРАБ

Хушхулқи кишига: - Нега сиз ёмон одамни кўрсангиз ҳам унга хуш кўриндингиз? - дейишди. - Унинг ёмон тарафини кўнгилга олмай, яхши томонини ўйладим, - дебди. Бадфелъ кишига: - Нега сиз яхши одамни кўрсангиз хурсанд бўлиш ўрнига "Қовоғингиздан қор ёғилади", дейишса: "Унинг яхши томонини кўра олмай, оз бўлса ҳам ёмон томонини кўраман" деган экан.

БЕКОРГА ОҚИШ

Катта ариқнинг суви тўлқинлиб шовуллаб оқаркан, ёнидаги кичик ариқ суви: - Мунча имиллайсан, овозинг ҳам чиқмайди? - дейди қирғоққа урилиб.

- Ниҳолларни сувга қондириб, шошилмай оқаятман. Сенга ўхшаб бекордан-бекорга шовқин солиб оқишдан нима фойда? - деди ариқча суви вазмин оҳангда.

ЭГРИ ЙЎЛ

Парма ёғоч тешаркан, ярим йўлга борганда куртга дуч келди. - Иккинчининг ишимиз бир хил экан, - парманинг ўткир, ярқироқ тишидан чўчиб ялтоқланди курт биланглаб, - сенга муносиб ёрдамчи бўлсам, ишда йўл-йўриқ берсанг. - Оббо, сен-ей. Ёғочни ҳар ён тешавериб, яроқсиз ҳолга келтирай дебсан-ку, яна сўзингга ишониб, сени қўллаб кўпнинг газабига дучор бўлайми?! Дунёга келибсанки, дилингга яраша йўлнинг ҳам эгри, - деди парма ва тўғри йўлдан қолмай ёғоч тешаркан, куртни ҳам эгзилаб ўтди. Курт йўлидек эгри йўл танлаганларнинг барибир бир кун охири войдир.

АВВАЛ ЎЙЛА...


Кимдир игнанинг хизматини игна қараганда юқори кўйди. - Бир кийим битгунча игнанинг орқасидан қанча йўл босаман. Бу йўлда гоҳ бўшашиб, гоҳ таранг тортиламан. Игнанинг хизматини рўёбга чиқарсам-у, у мендан юқори турса, - алам билан деди ип. - Бир томондан эътирозинг ҳам тўғри, - дейишди игна. - Бирок игна бош уриб, сенга йўл очиб турмасан ўзингча юра олмаслигинг ҳам йўлаб, фикр қилишинг керак. Бунинг исботи учун ҳаракатдаги игнани дарҳол тўхташган эди, ип қаёққа юришини билмай чуваланиб гангиди. Аввал ўйла, кейин сўйла, дегани шумикин! Тогни урса талқон қилгудек йигит: - Иш бурявериб жонимга тегдингиз, - деди отасига кўрсик билан. - Жонингиз қийнамай қўл учидан қилган ишингни қайтадан ўзим қилаётган бўлсам, яна гапинг ортиқча, - деди отаси. Ўғли гўё отдан тушса ҳам, эгардан тушадми. Қўлини пахса қилиб овозини баянлабди, нималаридир вальдираб. Отанинг дили вайрон. "Вайронга"га учиб келган хаёл қушидан эса паришон. Ўғлининг шаҳдини қайтаришга негадир ожиз. Одобсиз ўғилнинг ёқимсиз сўзини эшитган қўшни амаки бефарқ қараб туролмади: - Отангга шунақа муомала қиласанми-а? Биз отамизнинг юзига татто кий қарай олмаган эдик. - Кўшничон, ўғлимдан хафа бўлмаг, - деди ота. - Мен ҳам отамга худди шунақа муносабатда бўлган эдим. Ўша гуноҳининг "ҳосили"ни олаяпман, шекилли. - Э, гап бу ёқда денг. Қайтар дунё экан-да, бу, - деди қўшни амаки.

ҚАЙТАР ДУНЁ

Офтоб борки, кут-барақа, фаровонлик бор. Ой нури дароҳат ва полиз ҳосилларига хушбўй таъм, маза бераркан. Дўстим, яна қанча-қанча нурларнинг саховатидан яйраб юрувдим-а. Эҳ, наҳотки гурурга учиб, меҳр нурингни мендан дариг тутсанг! Кўнглим уйи хазинлидан зим-зиёга фарқ бўлдилар гўё. Шундай дамларда сенинг меҳр нуринг ўша нурлардан устун ва бебаҳолигини тушунсанг эди. Дунёда нурлар кўп. Лекин...

НУРЛАР

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРИДИР

Берса шукр қил, олса сабр. * * * Дўстлик ҳам, муҳаббат ҳам ўрни келганда қурбонлик талаб қилади. * * * Хотиржам бўлмаган кишининг ёмон тушлар кўриши табиий. * * * Андишасизлик фойданга хизмат қилиши мумкин, лекин у ҳеч қачон фазилат бўлолмайди. * * * Муттаҳамлик билан эришилган муваффақият муваффақият эмас. * * *

Кўлидан иш келган хор бўлмайди. * * * Муҳаббатни куч билан ушлаб туриб бўлмайди. * * * Бировга зулм қилганинг ўзи ҳам кун кўрмайди. * * *

Бировнинг кўнглига йўл топиш қийин. * * * Аҳмоққа ён берсанг, балога қоласан. * * * Ёмоннинг ўзи ҳам кун кўрмайди, бошқага ҳам кун бермайди. * * *

Кишининг қанчалик нодонлигини қайсарлиги ва худбинлигидан ҳам билса бўлади. * * * Ўзини кўрсатишга уриниш жаҳолатдан. * * * Доно айбни ўзидан қидиради, нодон ўзгадан. * * *

Хаёт оғир бўлса, жангу жанжал, қўйди-чиқди кўп бўлади. * * * Вақтнинг ўтиши ҳам гоҳ фойданга хизмат қилади, гоҳ зиёнингга. * * *

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДК томонидан "ALFA BUILD SERVICE" МЧЖ номига Юнусобод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 6-мавзёда жойлашган "Тиббий хизмат кўрсатиш биноси" учун вақтинчалик қурилиш даврида берилган (кадастр рақами 10:07:01:01:02:0131) кадастр ҳужжатлари ва 2015 йил 13 февралда берилган (TS № 0017273-сонли ер участкасига берилган) гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Яккасарой тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Яккасарой тумани, академик Сирожиддинов кўчаси, 156-уй учун Халиков Раҳматулла Хамидуллаевич номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ. Тошкент шаҳрида 6 март кунини ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундиға 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси - 2-4, кундузи 13-15 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 6 мартда Тошкент шаҳрида ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.